

## Psychological Conditions of the Appearance of Suicidal Behavior in Adolescents in Terms of Gender

**Karshiboeva Gulnoza Abdukadirovna**

Doctor of psychology (Phd), associated professor  
Dzhizak state pedagogical university, [gulinoza.ru@hk.ru](mailto:gulinoza.ru@hk.ru)

**Abstract:** The article highlights the psychological aspects of gender characteristics in suicide. Suicide occurs in society, in relationships between people, due to the presence of problems that a person could not or did not want to solve in the usual, acceptable way, and the presence of anxiety associated with personal unhappiness, despair and depression has been identified. Suicide indicates that in society, in relationships between people, there are problems that a person cannot or does not want to solve in the usual, acceptable way for everyone, there is anxiety about personal unhappiness, despair and depression. Suicide is often caused by long-term illness and sometimes disability. However, most researchers recognize that suicide is the result of a person's social and psychological maladaptation to external factors. Such a factor can be put forward for any reason that creates conflict in a person, not only in internal, but also in interpersonal relationships. Another problem facing science is related to the early detection of suicidal intentions in a person, especially adolescents.

**Key words:** Suicide, society, relationships, habit, unwanted problems, personal adversity, hopelessness, depression, researcher, external factor, socio-psychological maladjustment, interpersonal relationships, conflict, science, problem, suicidal intent.


Ўз жонига қасд қилиш – қанчалар индивидуал табиатга эга бўлмасин, у алоҳида ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги тафовутларни ифода этувчи статистик барқарор ҳодиса сифатида таҳлил этилиши мумкин. Суицидал хулқ-атвор популяцион даражада муттасил ўзгариб боради. Мазкур тебранишларни ҳар бир одамга хос ички (проксимал) ва мамлакат (вилоят) даражасида ҳаракатга келувчи ташқи (дистал) омиллар ўзгаришлари натижаси сифатида кўздан кечириш мумкин [1-2].

Ички омилларга психик бузилишларни (депрессия, психоактив моддалар истеъмоли), шахсий иқтисодий муаммолар, стресс билан курашиш малакаларининг етишмаслиги каби психик-ижтимоий омилларни киритиш мумкин.

Ташқи омилларга макроиқтисодий статистика, меҳнат бозоридаги вазият ва жамиятдаги ислохотлар ёки барқарорликка дахлдор фуқароларни ижтимоий муҳофазаси сингари омилларни киритса бўлади [1-2].

Олимлар томонидан шундай фактлар ҳам аниқланганки, инсондаги бошқа кишиларга қаратилган ўч олиш, норозилик билдириш ва товламачилик қилиш каби интилишлар баъзи бир вазиятларда ўз йуналишини ўзгартириб инсоннинг ўзига қаратилиши мумкин. Инсон спиртли ичимликлар истеъмол қилганда ўзини ўлдириш ҳақидаги фикрларнинг келиши осонлашади.

Суицидал хулқ-атвор деганда ўзининг устувор эҳтиёжларини қондириш йўлида тўсиқлар учраганда шахсда юзага келадиган ички инқирозни ечиш воситасига айланадиган ўз жонига қасд қилиш каби кишилар фаоллиги назарда тутилади. Суицидал хулқ-атвор умуминсоний реакцияларнинг бир варианты сифатида суицидал фаолликнинг барча кўринишлари, индивиднинг шахсий ҳаракатлари асосидаги



эҳтимолий ўлимнинг барча вариантларига муносабатини қамраб олиб, уларга қуйидагилар тегишлидир:

Ҳозирги кунда «эски» ОАВ ўрнини, унинг ҳам яхши, ҳам хунук жиҳатларини ўзида жамлаган Интернет эгалламоқда. Интернетдаги аксарият блогерлар нафақат «дардларни олади», балки муаммоларнинг ноадекват ечимларини ҳам таклиф қилишади [1-2].

Ўз жонига қасд қилиш иштиёқидагиларнинг интернет клублари XX аср охирларидан жаҳон бўйлаб оммалашган бўлиб, улар орасида етакчилик қилаётган Япония мамлакатига тегишли (аксарият японлар нафақат онлайн, балки веб-камера олдида ҳам гуруҳий суицидларни қўллашади).

Ислом динида кишининг ўз жонига қасд қилиши ёқланмайди. Суицид қилмаслик ва унинг оқибатлари ҳақида Қуръон ва ҳадисларда кўрсатмалар бор. Жумладан, «Бақара» сурасининг 195-оятда: «Ўз кўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламанг». Оятдан одамнинг ўз ўлимига сабаб бўлувчи нарсага бормаслик кераклиги тушунилади. Демак, кишининг ўз жонига қасд қилиши гуноҳи кабира (катта гуноҳ) ҳисобланади. Нафсга зид бўлган ҳолларда сабр қилиш Аллоҳнинг тақдирига рози бўлишни англатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни айтиш мумкин:


1. Исломда ўз жонига қилишнинг ҳукми гуноҳи кабира ҳисобланади. Лекин, ўз жонига қасд қилган одам имондан чиққан кофир ҳукмида бўлмайди;
2. Ўз жонига қасд қилган соғлом мўмин-мусулмон кишининг имони суст эканлиги тушунилади. Аллоҳдан яхшилиқни умид қилиш имон шартларидан бири ҳисобланади.
3. Ислом динида инсонга инъом этилган жон ва жисм неъматларининг заволига сабаб бўлувчи ҳолатлардан қайтарилади. Тақдирдан рози бўлиб, шукр ва сабр қилиб яшашга чақирилади [1].

Ҳозирги кунга қадар суицидал хулқ-атворга доир турли қарашларга эга кўплаб ёндашувлар мавжуд. Бироқ аксарият тадқиқотчилар суиқасдни шахснинг ташқи омилларга нисбатан ижтимоий психологик дезадаптацияси оқибати эканини эътироф этишади. Бундай омил инсонда нафақат ички, балки шахслараро муносабатларга доир зиддиятни пайдо қиладиган ҳар қандай сабаб илгари сурилиши мумкин. Илм-фан олдида турган бошқа бир муаммо инсоннинг, хусусан, ўсмирларнинг, суицидал ниятларини имкон қадар эрта аниқланиши билан боғлиқ. Зотан, таълим тизими мутахассислари учун таълим олувчилардаги суицидал хулқни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳим бўлиб бормоқда. Суицидал хулқ-атвор муаммосига доир адабиётлар таҳлили ушбу ҳодисага нисбатан муқаррар кўрсаткичларни олиш имконини берадиган суицидал ниятларни диагностика қиладиган методлар етарли эмаслигини кўрсатади [1-2].

Фундаментал назарий билимлар, шунингдек, энг сўнгги тадқиқий маълумотларга таяниб, инсоннинг суицидал хулқ - атвори, кўпинча одамнинг психик носоғломлигида эмас, «носоғлом» жамиятда юзага келган муҳитда эканини эътироф этиш керак.

Ўсмирлар томонидан суицидни амалга ошириш шахсий фожеа, табиий офатлар, умидсизлик, ўлим кўркуви таъсирида кечади. Ўсмирларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, аксарият суицидлар оиладаги келишмовчилик, ўқитувчилар, педагогларнинг кўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида ҳам юз беради [4].

«Суициддек нохуш ҳодисаларнинг сабабини аввало шу ҳодисаларни содир этаётган шахснинг ўзидан, унинг руҳий оламидан қидириш лозим» («ички дунёси», «қадриятлар тизими» ҳамда у яшаётган оила ва жамоадаги «психологик иқлим»). Агар, бир томондан, оила мустаҳкам бўлиб, унда ижобий муҳит ҳукм сурса, оила тинч, ўзаро муносабатлар муваффақиятли бўлса, бир сўз билан айтганда инсон оилада ўз бахтини топиб, ҳар куни



ишонч билан ўз уйи остонасини ҳатлаб кўчага чиқса, оиласида уни қутаётганлар борлигини ҳис қилиб яшаса, иккинчи томондан, шахс ўзи ёқтирган иш билан шуғулланса, у ишлайдиган жамоада ижобий психологик иқлим ҳукм суриб, ўз жамоасида ўз ўрнини топган бўлса, ўзи ёқтирган ҳамкасблари орасида ишласа, унинг раҳбарлари ҳам, ҳамкасб, ходимлари ҳам уни яхши кўриб, ишда ва кундалик ҳаётда керакли одам деб қабул қилсалар (ёки ҳеч бўлмаганда шахс ўзи шундай деб ҳисобласа), суицид деган ҳодиса бундай одам учун ёт, у суицидни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Бундан ташқари ҳимоясизлик, келажакка умидсиз қараш суицидал ҳолат содир этилишида кучли етакчи, асосий омил сифатида бўлиши мумкин. Ўз жонига қасд қилиш ҳиссининг кучли бўлиши бошқалар билан ижтимоий алоқаларнинг ўрнатилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Улар ҳаётларини «ҳеч қачон яхши бўлмайди» деб фикр юритадилар, уларнинг нутқида «Бундай ҳаётга чидаб бўлмайди», «ҳаммага барибир» деган маънодаги фатал умумлаштиришлар тез-тез учрайди [1-4].


Ўз жонига қасд қилиш хавфининг омиллари қуйидагилар ҳисобланади:

#### 1. Ижтимоий-демографик:

- болаликдан отасизлик;
- оилада «матриарх» муносабатлар таъсири (онанинг кучли таъсири);
- эътиборнинг етишмаслиги, болалик ва ўсмирликда рад этилиши;
- ҳаддан ташқари ғамхўрлик, «оиланинг эркаси» туридаги тарбия;
- спиртли ичимликлар муҳити оиласида тарбияланиш;
- оилада мунтазам равишдаги уруш-жанжаллар;
- ота-онанинг ажрашиб кетиши;
- ота-онаси бор бўлган ҳолда болалар уйида тарбияланиш;
- оилада асаб касалликлари билан оғриган касалларнинг борлиги;
- оилада ўз жонига қасд қилиш, суиқасд қилиш ёки яқин қариндошлар томонидан ўз жонига қасд қилиш билан қўрқитиш ҳолатларининг мавжудлиги.

#### 2. Биографик:

- уйдан қочиб кетиш;
- ўқиш ва иш жойини тез-тез ўзгартириш;
- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки психотроп моддаларни суистеъмол қилиш;
- ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларини содир этиш;



- ўсмирлик даврида бир қатор муваффақиятсизликлар;

- ўқишда омадсизликлар, жамоадан ажралиб қолиш.

### 3. Тиббий:

- соматик патология (ички касалликлар);

- церебро-органик патология (бош мия касалликлари);

- рухий-асаб касалликлари (ташқи таъсирга жавоб берадиган (реактив) оғир рухий кайфият, тушкунлик, токсикомания, психопатия, аффектив психозларда энг кўп хавф туғилади).


Ўсмирлик даври оддий ёш даври эмас, айнан шу ёшдаги давр қарама-қаршиликларга лиммо-лим тўла бўлганлиги боис, уларнинг хатти-ҳаракатлари ота-оналарига кўп ташвиш туғдиради. Жаҳлдорлик, оила ва жамиятдаги жиззакилиги, ҳиссиётларининг барқарор эмаслиги, ота-онанинг ортиқча ғамхўрлигига қаршилик кўрсатиши, уятчанлик ҳамда ўзи ва яқинларига имкониятдан ортиқ талаблар қўйиши атрофдагиларни хавотирга солади. Шунинг учун, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини тушуниш учун, уларнинг келиб чиқиш сабабларини тушуниб етиш керак [5].

Ота-оналар фарзандларининг мазкур босқичда қарама қарши даврни бошидан кечираётганлигини тушунишлари лозим. Бунинг ўтиш даври дейилишига сабаб шундаки, бунда ўсмир ўзини шахс сифатида, оиланинг, гуруҳнинг, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида англашни бошлайди. У ўзини нафақат ижтимоий муносабатларда англайди, балки ўзининг келажақдаги, улғайганлигидаги режаларини тузишни бошлайди. Албатта, бу режалар ҳали мукамал, аниқ-равшан эмас, лекин ўсмир учун улар жуда катта аҳамиятга эга. Фантазия (орзулар) оламида яшаётган ўсмир, унинг режаларини катталар билиб қолмасликлари учун жон жаҳди билан ҳаракат қилади.

Статистик маълумотларга қараганда жаҳонда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш ўтган йигирма йил давомида икки баробарга ошган. 14-24 ёшда бўлган ёшларнинг 16 фоиз бу ҳолатни бошидан кечиради, 6 фоизни ўғил болалар, 10 фоизни қиз болалар ташкил этади. Бу ҳолат асосан катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик даври – 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизларда қайд этилмоқда. Шу сабабли биз тадқиқотимиз жараёнида ўсмирларнинг суицидал хулқ атворини юзага чиқишида ижтимоий психологик детерменантларнинг аҳамиятини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ўтказилган ижтимоий психологик сўровнома натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

### Ўсмирларнинг суицидал хулқ атворини юзага чиқишида гендер хусусиятлари - детерменантлар асосида сўровнома натижалари

№	Детерменантлар	Ўғил болаларда (74 нафар) %	Қиз болаларда (96 нафар) %
1	Шахслараро муносабатлар	18%	19%
2	Севги-муҳаббат	22%	24%



3	Оилавий низолар	16%	17%
4	Кўрқув ва ёлғизлик ҳисси	24%	18%
5	Интернет тармоғи	20%	22%

Суицидал хулқ кўринишлари намоён бўлишини бартараф этишнинг психопрофилактик ишлари тадқиқотимизда олинган маълумотларга кўра, қуйидаги кўринишларда амалга оширишни тавсия этиш мумкин:

➤ Инкироз ҳолатидаги ўсмирларни ўз вақтида аниқлаш ва дастлабки профилактика ишларини олиш боришда педагог - психологлар фаолияти ва уларнинг шахс хусусиятлари муҳимдир. Педагог ўсмирдаги эмоционал зўриқиш, тажоввузкорлик, апатия, депрессия каби ҳолатларнинг илк белгиларини аниқланиши биланоқ мактаб врачлари, ота-оналар, маъмуриятни ушбу ўқувчига ёрдам беришга эътиборини қаратиши, у билан ўзаро эмоционал яқин муносабатлар ўрнатилиши асосида суҳбатлар ўтказиши ва бу суҳбатда унинг ҳолатига психолог, психотерапевт ёки мутахассис ёрдам беришлигини айтиб, зарурий маслаҳатларини беради.[6]


➤ Таълим муассасаларида ўсмирлар билан ўтказиладиган психопрофилактик тадбирларнинг асосий мақсади - уларнинг психик ва психологик саломатлигини мустаҳкамловчи ижобий, педагогик-психологик муҳитни яратишдир. Синф, гуруҳ билан олиб бориладиган тарбиявий тадбирларда ўсмирлик ёши хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўз жонига суиқасд қилган ўқувчилар оилаларидаги изтироблар ва кечинмаларни, агар ушбу ҳодиса юз бермаганда унинг ўз оиласи, ватани учун яна қанча буюк ишлар қилиши мумкинлиги, ўлим-бу юзага келган муаммонинг ечими бўла олмаслигини еткази олиш муҳимдир. [6]

➤ Ўсмирлар ўртасидаги суицидал уринишларни содир этилишига сабаб бўлувчи муҳим омиллардан бири-тенгдошлари билан номақбул шахслараро муносабатларнинг унга салбий-психологик таъсири ҳисобланади. Ўсмирлар ўзларининг тажрибасизлиги, ёш хусусиятлари тўғрисида билимларга, ёрдам бериш кўникмаларига эга бўлмаганликлари сабабли ўртоғини ўз жонига суиқасд қилишдан сақлаб қолишга қодир эмаслар. Бу каби ҳолатлар улар ўртасида психопрофилактик тадбирларни ўз вақтида, мунтазам тарзда ўтказилиши зарур эканлигини англатади.[6]

➤ Суицидал уриниш содир этган ўсмирнинг муаммолари ҳақида суҳбатлар синф жамоси аъзоларининг бу муаммони енгиб ўтишга ёрдам бериш учун нималар қила олишлари тўғрисида фикр юритишлари, атрофдаги бошқа тенгдошларига ҳам бу борада эътиборлироқ бўлишлари зарурлигини ҳис этиш учун таълим-тарбиявий ишларини олиб боришда педагогларнинг алоҳида эътиборини қаратиш зарур. Лекин, ушбу борада ўқитувчининг педагогик такти, ўсмир шахсининг ҳурмати юзасидан содир этилган суицидал уринишни синф мажлисида муҳокама қилишга, таҳлил қилишга йўл қўймаслиги лозим. [6]

### Адабиётлар рўйхати

1. Ботиров Б.М., Ботирова С.Р. Суицидал фаоллик ва уни прогнозлаш муаммолари // «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» Тошкент — 2021. Б.116.
2. Суворов В. Суицид: проблемы и решения. // Войсковой вестник.-Москва, 2004.- № 1.-С. 16-20.
3. Шамшетова А.К, Сулетбаева Э.С., Ержанова М.К. Таълим муассасаларида суициднинг психопрофилактик чора-тадбирларини ташкил этиш. // К.Убайдуллаев номидаги Республика педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти. Нукус 2015. 112 б.



4. Шоумаров Ф.Б., Соғинов Н.А., Қодиров У.Д., Палуанова З.Д. Суицид ҳолатларини тадқиқ этиш: муаммо ва ечимлар. Услубий қўлланма. (Суицидал хулқнинг олдини олиш бўйича ишловчи ишчи гуруҳ аъзолари учун). // Масъул муҳаррир. -Т., 2020. -138 б.
5. Розикова Н.А. Ўқувчи – ёшлар ўртасида суицид ҳолатларини олдини олиш ва коррекция қилиш. // Услубий қўлланма. Илмий-оммабоп нашр. -Тошкент: 2019. 83 бет.
6. Қаршибоева Г.А. Ўсмирлик ёши даврида суицидал хулқнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Автореферат.. диссер.. психол.ф.ф.д. (PhD). –Т: ТДПУ.2023.
7. Qarshiboyeva G. Психологик маслаҳат. Архив Научных Публикаций JSPI.
8. Каршибаева Г. А.Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.
9. Каршибаева Г.А. Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.
10. Каршибаева Г.А., Норбекова, Б.Ш., & Туракулов, Л.Т. Суицид-это не просто способ обратить на себя внимание. European journal of education and applied psychology, (2).
11. Каршибаева Г.А. Самоубийство в ряду других социальных явлений. Молодой ученый, (5), 581-584.